

15307

## ИЖАРА ШАРТНОМАСИ № 03.

2022 йил 15» январь

Навоий шаҳар

«*NAVOIY OLMOS 2022*» МЧЖ бундан кейин «Ижарага берувчи» деб аталувчи номидан жамият директори Г.М.Қодиров бир томондан жамият уставига асосан ва АТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк» Навоий минтақавий филиали бундан кейин «Ижарага олувчи» деб аталувчи иккинчи томондан банк бошқарувчиси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 34-бобига мувофиқ қуйидагилар ҳақида **Ижара шартномасини** (кейинчалик «шартнома» деб аталади) туздилар:

### 1. Шартнома мавзуси.

Шартнома мавзуси, Навоий шаҳар Спутник қўрғонида жойлашган *NAVOIY OLMOS 2022* МЧЖ қарашли бўлган умумий майдони 1425.90 кв.метрдан иборат Савдо дўкони биносининг биринчи каватида жойлашган бир қисми 2 (икки) хонадан иборат (73 кв. метр) қисмини (кейинчалик «объект» деб аталади) «ижарага берувчи» «ижарага олувчи»га ижарага беради;

«Ижарага берувчи» ушбу шартномага асосан «объект»дан фойдаланиш учун зарур бўлган хонада ўрнатилган ва мавжуд бўлган барча мослама ва жихозларни, «Ижарага олувчи»га фойдаланишга беради;

Объект шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган муддатга томонлар ўртасида тузилган қабул қилиш-топшириш баённомасига асосан ижарага берувчи томондан «ижарага олувчи»га топширилади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

#### 2.1. «Ижарага берувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Ижарага берувчи» «объект»дан мақсадли фойдаланиш, ундаги жихозларга ва бошқа қурилмаларга эҳтиёткорона муносабатда бўлинишини назорат қилиш;

2.1.2. «Ижарага олувчи» «объект»дан фойдаланишда яроқлилигини таъминлаш, санитария қодаларига, ёлдин ҳавфсизлиги қодаларига риоя қилиши ва электр симларининг ҳавфсизлиги таъминланганлигини талаб қилиш;

2.1.3. Ижарага берилган объект учун белгиланган тартибда ва миқдорда ижара ҳақини олиш ҳуқуқига эга;

2.1.4. «Ижарага берувчи» «Ижарага олувчи»га объектни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан топширади.

2.1.5. «Ижарага берувчи» ижарага берилаётган объектда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари йуқлигига қафолат беради.

2.1.6. «Ижарага берувчи» «объект»ни қурикланиши ва уни кунлик тоза сақланишини назорат қилади.

2.1.7. «Ижарага берувчи» ижара шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилаётганда «Ижарага олувчи»ни 90 (тўқсон) кун олдин бу ҳақда хабардор қилади;

## 2.2. «Ижарага олувчи»нинг мажбуриятлари.

2.2.1. «Ижарага олувчи» «объект»ни қабул қилиб олиш, унинг мавжудлиги ва фойдаланиш учун яроқли эканлигини текшириш;

2.2.2. «Ижарага олувчи» «объект»дан фойдаланишда яроқлилигини таъминлаш, санитария қоидаларига, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши ва электр симларининг хавфсизлиги таъминлаш мажбуриятини олади;

2.2.3. «Ижарага олувчи» объектни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиб олади;

2.2.4. «Ижарага олувчи» «объект» таъмирталаб ҳолатга келганида ўз ҳисобидан объектни жорий таъмирлайди;

2.2.5. «Ижарага олувчи» объектдан ўз фаолиятига мувофиқ фойдаланади ва объектни (бино ва унинг ичидаги инвентарларни) асраб-авайлайди.

2.2.6. Ижарага олувчи объект учун шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган ижара ҳақини ҳар ойнинг 30 кунидан кечиктирмай тўлайди;

2.2.7. «Ижарага олувчи» объектга етказган зарари учун қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ моддий жавобгар бўлади ва етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплайди;

2.2.8. «Ижарага олувчи» «объект»ни «Ижарага берувчи»нинг ёзма розилиг ил қисман ёки тўлиқ учинчи шахсларга ижарага беришга ҳақли эмас.

2.2.9. «Ижарага олувчи» ижара шартномаси тугагунга қадар шартнома муддатини узайтириш тўғрисида «Ижарага берувчи»ни хабардор қилиши лозим.

## 3. Ҳаҳо ва тўловларни амалга ошириш шакли.

3.1. Ижара ҳақи бир ойда ҚҚС билан биргаликда 3 800,0 минг сўмни ташкил этади;

3.2. Ижара ҳақи учун тўланадиган тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.3. Бинодан фойдаланган учун тулов электр энергияси учун тўланадиган тўловлар билан биргаликда 3 800.0 минг сўм (ҚҚС билан);

3.4. Ижара тўловлари бино таъмирланиб, жихозлангандан сўнг далолатнома тузилган санадан бошлаб, «Ижарага олувчи» томонидан ҳар ойда ойнинг 30 санасидан кечикмай пул кўчириш шаклида амалга оширади;

3.5 «Ижарага олувчи» ижара ҳақини «Ижарага берувчи» билан келишган ҳолда белгиланган муддатдан олдин амалга оширишга ҳақли.

3.6. Ижара ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқишнинг ташаббусқори бўлган тараф бу ҳақда иккинчи тарафни камида икки ҳафта олдин огоҳлантиради.

## 4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. «Ижарага берувчи» «объект»ни «Ижарага олувчи»га шартнома имзоланган муддатдан сўнг топширмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун бир йиллик ижара ҳақининг 0,01 % миқдорида жарима тўлайди;

4.2. «Ижарага олувчи» ижара ҳақи тўлашни кечиктирган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 фоиздан, аммо кечиктирилган сумманинг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди;

4.3. Томонларнинг шартномада кўрсатилган жаримани тўлаши уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан ёки етказилган зарарни тўлашдан озод қилмайди;

4.4. «Ижарага олувчи» томонидан савдо, хизмат кўрсатиш, ёнгин хавфсизлиги ёки бошқа санитария-гигиена коидалари бузулган тақдирда «Ижарага олувчи» жавобгарликни ўз зиммасига олади ва конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади;

4.5. «Ижарага олувчи» «объект»дан фойдаланиш жараёнида санитария-техника ва гигиена коидаларига риоя қилмаган тақдирда конунчиликда белгилаб қўйилган жарималардан ташқари «Ижарага берувчи»га энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорда жарима тўлайди;

## 5. Шартноманинг амал қилиш муддати.

5.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, томонлар имзо қуйган кундан бошлаб кучга киради;

5.2. Шартноманинг амал қилиш муддат «15» январь 2022 йилдан «31» декабрь 2024 йилгача;

5.3. Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг узаро келишуви асосида;
- «Ижарага олувчи» томонидан мажбуриятлар бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда ҳамда объектдан эҳтиётсизлик билан, зарар етказган ҳолда фойдаланилаётганда «Ижарага берувчи» томонидан «Ижарага олувчи»ни бир hafta олдин огохлантирган ҳолда бир томонлама.
- «Ижарага берувчи» томонидан ижара шартномаси муддатидан олдин бир томонлама бекор қилинган тақдирда, объектнинг таъмирлаш, жихозлаш ва бошқа ижарага олувчи томонидан амалга оширилган барча харажатлари «Ижарага берувчи» томонидан тўлиқ миқдорда ундирилади.

5.4. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг узаро келишуви асосида ёзма равишда амалга оширилади.

## 6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида узаро келишув ва музокаралар йули билан ҳал қилинади;

6.2. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар буйича томонлар ўзаро музокарага эриша олмаган тақдирда, низо суд тартибида ҳал қилинади.

## 7. Томонларнинг ҳуқуқий манзилгоҳи ва имзолари.

«Ижарага берувчи»

«NAVOIY OLMOS 2022» МЧЖ

Навоий шаҳар Спутник

Кўргони С.Айний кўчаси 91 уй

х/р 20208000200203514001

«М.К. Банк» Навоий филиали

МФО: 00001 ИНН 200001143

Г.М.Қодиров Г.М.Қодиров

«Ижарага берувчи»

AKSIYONLIK TILVORAT BANKI QURILISH BANKI
Navoiy mintaqaviy filiali
Manzil: Navoiy shahar
Gatalaba shoh ko'chasi - 149 A uy
XR 16103000000000202001
MFO 00202
INN 200007317
OKONX 96120
telefon 0-436-770-27-87
Faxe 0-436-770 27-89

